

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Қ У Қ М

2026 йил февраль ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман суди раиси Ж.Тожиевнинг раислигида, И.Мухамедовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қоровулбозор туман прокурорининг катта ёрдамчиси И.Мухторова, судланувчи Х.Норовнинг ҳимоячиси-адвокат Ғ.Бафоев ва жабрланувчи А.Бекниёзов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Савриевнинг иштирокида, судланувчи Норов Хуршиджон Фахриддиновичга оид 1-2009-2601/4-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Норов Хуршиджон Фахриддинович /*Norov Xurshidjon Faxriddinovich*/ - 12.12.1990 йилда Бухоро вилояти Ғиждувон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби” директори, Қоровулбозор тумани “Тинчлик” МФЙ, “Алпомиш” кўчаси 44-уйда яшайди, иш бўйича “таров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 7 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ҳамда ҳимоячининг музокара сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Норов Хуршиджон Фахриддинович 2025 йил 15 октябрь куни соат 15:00ларда “Чўлқувар” МФЙ Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг фаоллар залида ушбу мактабда электрик ва уста (2024 йил 01 июнь кунидаги 314-сонли буйруққа асосан 0,50 хисса электрик, 050 хисса уста) вазифасида ишловчи Бекниёзов Низомжон Маттиевич махсус кийим-боши, ҳимоя воситаларисиз эски электр узатгич (удлинитель)ларни тузатиш вақтида электр токи уриши натижасида ҳодиса жойида вафот этган.

Хизмат текшируви давомида 18-сон “Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг директори Норов Хуршиджон Фахриддинович томонидан электр хўжалиги учун буйруқ асосида жавобгар шахс тайинланмаганлиги, мактабни электрик вазифасида ишловчи Н.Бекниязов белгиланган тартибда билим синовидан ўтказилмаганлиги, мактаб биносининг электр таъминоти учун электрхонада ўрнатилган 0,4 кВли асосий тақсимлаш шкафида диспечерлик



ёзувлари ёзилмаганлиги, бир чизиқли схемаси чизилмаганлиги, кабел проводлар учликларсиз маҳкамланганлиги, кабел проводларда кўндаланг кесим юзаси кўрсатилган ёрликлари мавжуд эмаслиги, “концерт зали”да ўрнатилган электрошитда ерга улаш қурилмаси ўрнатилмаганлиги, электрошитда электр хавфсизлик белгилари ва огоҳлантирувчи белгилар мавжуд эмаслиги, “концерт зали” хонасидаги сахнани ёритиш учун пол устида ўрнатилган ёритиш чироқларига келувчи кабел проводлар ташқи муҳитдан ҳимояланмаган ҳолда монтаж қилинганлиги, сахнада жойлашган овоз кучайтирувчи (колонка) ускунасининг электр тармоғига улаш учун хизмат қилувчи провод шнурни учлик қисми (вилкаси)ни ташқи полиэтилен қисми синганлиги, инсон ҳаёти учун хавфли даражада турганлиги, мактабнинг электр хўжалигига хизмат кўрсатувчи электрик учун етарли даражада электр ҳимоя воситалари билан таъминланмаганлиги ҳамда мавжуд ҳимоя воситалари яроқлилиги бўйича белгиланган тартибда электротехникалаборатория синовидан ўтказилмаганлиги, мактаб биносининг мавжуд электр қурилмалари, жиҳозлари ва тақсимлаш шитлари уларнинг ерга улаш қурилмалари ҳамда кабел провод ўтазгичлари электротехник лаборатория синовидан ўтказилмаганлиги билан мактаб директори Х.Норов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчи электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари” ва “Истеъмолчи электр қурилмаларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик қоидалари”нинг 13, 14, 84, 108, 111, 117, 208 ва 209 - банди талаблари бажарилмаганлиги аниқланган.

Судланувчи Норов Хуршиджон Фахриддинович суд мажлисида айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, у 2024 йил 26 апрель кунидан ҳозирги кунга қадар Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори вазифасида ишлаб келаётганлигини, мархум Н.Бекниёзов мактабда 2024 йил 1 июнь кундаги 314-сонли буйруққа асосан 0,50 ҳисса электрик, 050 ҳисса уста вазифасида ишлаганлигини, 2025 йил 15 октябрь куни 21 октябрь “Ўзбек тили” байрами бўлганлиги сабабли байрамга тайёргарлик кўрилаётганлигини, мактабнинг концерт залидаги пилот синганлигини кўрганлигини, хўжалик мудирини Б.Шмановани чақириб, электромантёр Н.Бекниёзовни чақиритишни, ушбу пилотни тузатиб қўйишни айтганлигини, орадан биров вақт ўтиб Н.Бекниёзов келганлигини, унга ўзи ҳам пилотни тузатиб қўйишни айтиб, ўқитувчиларга электрик пилотни тузатгунига унга ҳалал бермасликларини, у ишлаётганлигини тушунтирганлигини, ўзи эса “ZOOM” тармоғи орқали бўлаётган йиғилишга қатнашиш учун хонасига кириб кетганлигини, мактаб ичидаги алоҳида хонада жойлашган 2-шитни, мактабнинг ташқарисидаги асосий шитни ўчирмаганлигини, Н.Бекниёзов пилотни тузатиш вақтида фаоллар зали озроқ қоронғу бўлаётганлиги сабабли ташқарига, яъни залга 4-5 маротаба чиқиб кириб турганлигини, М.Ҳамдамова келиб байрам бўлганлиги сабабли тайёргарлик кўриш жараёнини фотосуратга туширишга келганлигини, шу вақтда Н.Салохов келиб Н.Бекниёзовни ишлаётганлигини кўрмасдан зал қоронғулигини кўриб, шитни босганлигини, шунда Н.Бекниёзов электр токи уриши натижасида вафот этганлигини, Н.Бекниёзов пилотни тузатиш жараёнида электр токини ўтказмайдиган қўлқоп ёки бошқа ҳимоя воситаларидан фойдаланмаганлигини, Н.Бекниёзов электрик бўлиб ишлаган вақтида техника хавфсизлиги ва меҳнатни



муҳофаза қилиш бўйича масъул мансабдор шахсга алоҳида буйруқ расмийлаштирмаганлигини, Н.Бекниёзовни ишхонада бирор киши билан келишмовчилиги бўлмаганлигини, корхона томонидан Н.Бекниёзовнинг оиласига таъзия билдирилиб, улардан хабар олиб турганликларини, уларга моддий харажатларни қоплаб берганликларини билдириб, у оилада ягона боқувчилигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Бекниёзов Аъзамжон Низомжон ўғли суд мажлисида отаси Н.Бекниёзов 2025 йил 15 октябрь куни соат 15:00ларда “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг фаоллар залида электр узатгичларни тузатиш вақтида электр токи уриши натижасида ҳодиса жойида вафот этганлигини эшитганлигини, судланувчи Х.Норов ундан ва оила аъзоларидан кечирим сўраб, ҳамкасби Н.Салохов билан таъзия харажатларини қоплаб, моддий зарарга хонадон олиб берганлигини, отаси ишхонасида ҳеч ким билан уришмаганлигини, унинг биров билан келишмовчилиги бўлмаганлигини, унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Салохов Нуриддин Мухитдинович суд мажлисида, 2025 йил 15 октябрь куни соат 15:00.ларда ўзининг хонасидан фаоллар залига ўқувчиларнинг тайёргарлик жараёнидан хабар олиш мақсадида борганида, фаоллар зали қоронғуроқ бўлганлигини, тадбир режиссёри С.Салимов билан учрашиб ўқувчилар камлигини, қолган ўқувчиларни сўраганлигини, у тез фурсатда етиб келишини айтганлигини, фаоллар зали эшигидан чиққанида чап томонида бурчакда Н.Бекниёзов ниманидир тузатаётганлигини кўрганлигини, у фаоллар залига қайтиб кириб, С.Салимов билан суҳбатлашиб ўтирганлигини, мактаб иш юритувчиси М.Хамдамова фаоллар залига кириб, тадбир жараёнини расмга тушириш кераклигини айтганлигини, зал қоронғу бўлганлиги сабабли расм ёрқинроқ чиқиш мақсадида фаоллар зали ичидаги электр шитни олдига бориб, шитни кўтарганлигини, шу вақтда тақ этган овоз эшитилганлигини ва электр шит автомат тарзда ўчганлигини, орқа томонга қараган вақтида Н.Бекниёзов 1-2 қадам қўйиб ерга йиқилганлигини, унинг олдига югуриб бориб бошини кўтариб биринчи тиббий ёрдам кўрсатганлигини, тез тиббий ёрдамга мурожаат қилганлигини, у электр шитни кўтарган вақтида Н.Бекниёзов электр токи билан ишлаб ўтирганлигини кўрмаганлигини, уни электр токи урган вақтида унинг устида оддий кийими бўлганлигини, қўлида қўлқоп ва бошқа электр токидан ҳимояланиш воситалари бўлмаганлигини, унинг Н.Бекниёзов билан бирор бир келишмовчилиги бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Шманова Бозоргул Адирбаевна суд мажлисида 2025 йил 15 октябрь куни соат 15:00ларда “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг фаоллар залида ушбу мактабда электрик ва уста вазифасида ишловчи Бекниёзов Низомжон Маттиевич электр узатгич (удлинитель)ларни тузатиш вақтида электр токи уриши натижасида ҳодиса жойида вафот этганлигини эшитганлигини, кейинчалик ҳолатни билишича, директор Х.Норовга “ZOOM” тармоғида йиғилиш бўлаётганлиги сабабли Н.Бекниёзов асосий шитдан токни ўчирмасдан, пилотни тузатаётган вақтида асосий Н.Салохов фаоллар залида электр шитни кўтарганида Н.Бекниёзовни электр токи урганлигини, унинг устида



оддий кийими бўлганлигини, қўлида қўлқоп ва бошқа электр токидан ҳимояланиш воситалари бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Салимов Сухроб Жалил ўғли суд мажлисида 2025 йил 15 октябрь куни соат 15:00ларда “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг фаоллар залида ушбу мактабда электрик ва уста вазифасида ишловчи Н.Бекниёзов электр узатгич (удлинитель)ларни тузатаётганлигини, у фаоллар залининг эшигини олдида ўтирганлигини, шу вақтда Салохов Нуритдин Мухитдинович келиб, фаоллар залидаги чирокни ёқиш учун электр калитини босганлигини, Н.Бекниёзов электр токини очиб қўйиб пилот билан ишлаб ўтирганида, ток урганлигини, Н.Салохов унинг олдида югуриб бориб, бошини кўтариб биринчи тиббий ёрдам кўрсатганликларини, тез тиббий ёрдам бўлимига олиб кетганликларини, Н.Бекниёзов ток уриши натижасида вафот этганлигини, фаоллар залидаги шитда бирор шахс кўриқлаб ўтирмаганлигини, унинг устида оддий кийими бўлганлигини, қўлида қўлқоп ва бошқа электр токидан ҳимояланиш воситалари бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Сафаров Жонибек Тўқсанович суд мажлисида 2025 йил 15 октябрь куни соат 15:00ларда “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг фаоллар залида ушбу мактабда электрик ва уста вазифасида ишловчи Н.Бекниёзов электр узатгич (удлинитель)ларни тузатаётганида, унинг олдида фонар тутиб турганлигини, шу вақтда Н.Салохов келиб, фаоллар залидаги чирокни ёқиш учун электр шитни кўтарганлигини, шу вақтда Н.Бекниёзовни электр токи урганлигини, Н.Бекниёзов пилотни тузатаётган вақтида асосий электр шит, яъни мактаб ташқарисидаги ва мактаб ичидаги алоҳида хонадаги шит ўчирилмаганлигини, фаоллар залидаги шитда бирор шахс кўриқлаб ўтирмаганлигини, иш олиб борилаётганлиги юзасидан белги бўлмаганлигини, унинг устида оддий кийими бўлганлигини, қўлида қўлқоп ва бошқа электр токидан ҳимояланиш воситалари бўлмаганлигини, Н.Салохов унинг олдида югуриб бориб, бошини кўтариб биринчи тиббий ёрдам кўрсатганликларини ва тез тиббий ёрдам бўлимига олиб кетганликларини билдириб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчиси хулосасини, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб ҳамда жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчи Х.Норовнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, хабарнома (и.в. 6), воқеа жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотожадваллар (и.в. 7-14), тилхат (и.в. 14), судга оид тиббиёт экспертизасининг 15.10.2025 йилдаги 25-сонли хулосаси (и.в. 35-41), бахтсиз ҳодисани текшириш далолатномаси (и.в. 45-53) ва иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд судланувчи Х.Норовнинг одам ўлишига сабабчи бўлган техника хавфсизлиги қоидаларини бузишда ифодаланган ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жумладан, иш ҳужжатларидаги 2025 йил 15 октябрдаги “Бахтсиз ҳодисани маҳсус текшириш далолатномаси”нинг 4-бандида бахтсиз ҳодиса сабаблари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ... бу билан Н.Бекниязов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сонли қарори



билан тасдиқланган истеъмоли электр қурилмаларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари”нинг 37, 41, 109 ва 110-банди талаблари бажарилмаган.

“Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”нинг директори томонидан электр хўжалиги учун буйруқ асосида жавобгар шахс тайинланмаган, мактабни электрик вазифасида ишловчи Н.Бекниязов белгиланган тартибда билим синовидан ўтказилмаган, мактаб биносининг электр таъминоти учун электр хонада ўрнатилган 0,4 кВли асосий тақсимлаш шкафида диспечерлик ёзувлари ёзилмаган, бир чизиқли схемаси чизилмаган, кабел проводлар учликларсиз маҳкамланган, кабел проводларга кўндаланг кесим юзаси кўрсатилган ёрлиқлари мавжуд эмас, “концерт зали”да ўрнатилган элетро иштда ерга улаш қурилмаси ўрнатилмаган, электроиштда электр хавфсизлик белгилари ва огоҳлантирувчи белгилар мавжуд эмас, “концерт зали”нидаги саҳнани ёритиш учун пол устида ўрнатилган ёритиш чироқларига келувчи кабел проводлар ташқи муҳитдан ҳимояланмаган ҳолда монтаж қилинган, саҳнада жойлашган овоз кучайтирувчи (колонка) ускунасининг электр тармоғига улаш учун хизмат қилувчи провод шнурни учлик қисми (вилкаси)ни ташқи полиэтилен қисми синган бўлиб, инсон ҳаёти учун хавfli даражада турганлик ҳолати аниқланди.

Мактабнинг электр хўжалигига хизмат кўрсатувчи электрик учун етарли даражада электр ҳимоя воситалари билан таъминланмаган ҳамда мавжуд ҳимоя воситалари яроқлилиги бўйича белгиланган тартибда электротехник лаборатория синовидан ўтказилмаган...

Бу билан мактаб директори Х.Норов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмоли электр қурилмаларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари” ва истеъмоли электр қурилмаларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик қоидаларининг 13, 14, 84, 108, 111, 117, 208 ва 209-банди талаблари бажарилмаган” лиги кўрсатилган.

Шунингдек, мактабнинг 2025 йил 3 март кунидаги “Меҳнат муҳофазаси бўйича доимий ҳаракатдаги комиссия тузиш тўғрисида”ги 49-сонли буруқда “Қоровулбозор туман 18-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби”да меҳнатни муҳофаза қилишни тарғибот-ташвиқот қилиш, қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш бўйича комиссия раиси Н.Норов этиб белгиланган.

Суд судланувчи Х.Норовнинг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси тўртинчи қисмида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги белгиланган.



Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Х.Норовга нисбатан жазо масаласини муҳокама қилиб, бу борада юқорида қайд этилган қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига амал қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, содир этилган жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги, жабрланувчининг судланувчига даъвоси йўқлигини ва унга нисбатан қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талабини инобатга олиб, унга нисбатан қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларини қўллаган ҳолда у айбли деб топилган модда санкцияси доирасида уни моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, судланувчига нисбатан тайинланган жазоларни ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижро этишни белгилашни лозим топди.

Шунингдек, суд ҳукм қонуний кучга киргач Х.Норовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилиб, 2025 йил 19 декабрда “Ипотека банк” АТИБ Бухоро вилоят филиалининг ҳисоб рақамига қўйилган 8.500.000 сўм гаров пулини гаровга қўювчига қайтаришни лозим топди.

Суд жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлиги инобатга олишни, шунингдек унга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Норов Хуршиджон Фахриддинович /*Norov Xurshidjon Faxriddinovich*/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Норов Хуршиджон Фахриддиновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан 2 /икки/ йил муддатга моддий жавобгарлик



ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унинг ишлаш ва ишга бориб келиш вақтидан ташқари яшаш жойи ҳисобланган Қоровулбозор тумани “Тинчлик” МФЙ, “Алпомиш” кўчаси 44-уйдан чиқишини чеклаган 3 /уч/ йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Норов Хуршиджон Фахриддиновичнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқ /чеклаш/лар юклатилсин:

- кафе, бар ва ресторанларга бормаслик;
- ўз хонадонидан ташқари тўй ва туғилганларда иштирок этмаслик;
- ИИБнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик.

Озодликни чеклаш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазоларни ижро қилиш Қоровулбозор ИИО Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Тайинланган жазолар ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида ижро этилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Х.Норовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва 2025 йил 19 декабрда “Ипотека банк” АТИБ Бухоро вилоят филиалининг ҳисоб рақамига қўйилган 8.500.000 сўм гаров пули гаровга қўювчига қайтарилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган ёзма ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 /ўн/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Бухоро вилоят суди жиноий ишлар бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:
Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

/имзо/

Ж.Тожиев

Раислик қилувчи:

Ж.Тожиев

